

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Ун.22.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВА САБОХАТ АЛИШЕРОВНА

**НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА «АҚЛИИ ТАРТИБГА СОЛИШ»
МОДЕЛИНИ ҚўЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.01. – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Султанова Сабохат Алишеровна

Норма ижодкорлигида «ақли тартибга солиш» моделини қўллашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари.....3

Султанова Сабохат Алишеровна

Теоретико-правовые вопросы применения модели «умное регулирование» в нормотворчестве25

Sultanova Sabohat Alisherovna

Theoretical and legal issues of applying the model of «smart regulation» in rule-making.....45

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....49

Автореферат «ТДЮУ Юридик фаилар ахборотномаси» журнали тахририятнда тахрирдан ўтказилиб, ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги матеелар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 09.04.2021

Бичими: 60x84 1/8 «Times New Roman»

гарнитурада ракамли босма усулда босилди.

Шартли босма табоги 3,1 Адади: 100. Бузуртма: № 28

Тел.: (99) 832 99 79; (97) 815 44 54

«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Яққасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6-уй

СУЛТАНОВА САБОХАТ АЛИШЕРОВНА

**НОРМА ИЖОДКОРЛИГИДА «АҚЛЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ»
МОДЕЛИНИ ҚўЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.01. – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

юрidik фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Үа-409 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сайтида (<https://tdyu.uz/uz/lan/autoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Аxbорот тaълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмедшарова Мавлюда Ахатовна,
юрдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ақиллов Алижан Раҳимович,
юрдик фанлар доктори, профессор

Бердиқиров Шухрат Намазбаевич,
юрдик фанлар доктори, доцент

Етақчи таъшиқлот:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар маълумасини ошириш маркази

Диссертация ҳиломида Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc 07/30.12.2019.Үа.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 апрелдаги соат 14.00даги йиғилишида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайхитох кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tdyu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Аxbорот-ресурс марказида танишиш мумкин (959-рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайхитох кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» апрелда тарқатилди.

(2021 йил «12» апрелдаги 3-рақамли реестр бадномаси).



Ғ.Ғ.Хайитов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш аъзоси, юрдик фанлар доктори, профессор

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш аъзоси, юрдик фанлар доктори, профессор

Д.З.Муҳамеджонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юрдик фанлар доктори, профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда барча ҳуқуқий демократик давлатлар томонидан норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жаҳон банки томонидан ҳам норма ижодкорлигини такомиллаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки томонидан ҳар йили тълон қилинадиган «Бутунижаҳон бошқарув индекси» («World Governance Indicators») рейтингига ҳам давлатларда тартибга солиш сифати махсус баҳоловчи субиндикатор сифатида жорий қилинган¹. Буздан ташқари, халқаро Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тавсиясига кўра унга аъзо даярли барча давлатлар томонидан қонуночиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизими жорий қилинган². Ушбу кўрсаткичлар дунёда норма ижодкорлиги сифатини оширишда «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш муҳимлигидан далолатдир.

Жаҳонда норма ижодкорлиги сифатини тубдан ошириш, норма ижодкорлиги фаолиятида «ақлли тартибга солиш» моделини қўллаш, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш, уларнинг жамоатчилик муҳокамасини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги тартиб-таомилларни соддалаштириш, норма ижодкорлиги субъектларининг ўзаро мувофиқ фаолиятини ташкил қилиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида эътибор қаратишмоқда.

* Айтиш жоизки, 1970-1980 йиллардан Ғарб давлатларида рўй берган давлат бошқаруви ислохотлари натижасида «ақлли тартибга солиш» модели (концепцияси)нинг негизи бўлмиш қонуночиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш процедураси қўлланиб келинмоқда. Мазкур давлатлар жамият ҳаётида ўзларининг тартибга солувчи аралашувининг асосларини кидира бошладилар ва шу тариха қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таъсирини баҳолашга эҳтиёж вужудга келди. Бу эса ўз навбатида «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жуда кўп бўлмаслиги керак», деган ҳулосага олиб келди (инг.«less regulation»). Шундан кейин эса тартибга солишнинг, яъни норма ижодкорлигининг сифатини ва самарадорлигини ошириш юзасидан баҳс-мунозаралар ва ҳатти-ҳаракатлар бошланди. Шундай қилиб, «яхшироқ тартибга солиш» (инг.«better regulation») тўғриси пайдо бўлди ва кейинчалик у «ақлли тартибга солиш» (инг.«smart regulation») концепциясининг вужудга келишига асос бўлди.

Мамлакатимизда қонуночиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида 2015 йилнинг январь ойидан бошланган бўлиб, у «Қонуночилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» деб номланди ва тадбиркорлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

¹ www.govindicators.org

² <http://www.oecd.org/gov/regulatory-policy/2012-recommendation.htm>

лойihalari www.regulation.uz веб-сайти орқали жамоатчилик муҳокамасига қўйила бошлади. Кейинчалик, 2018 йилнинг май ойидан бошлаб жамият ҳаётининг барча соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юқорида кўрсатилган электрон платформа орқали жамоатчилик муҳокамасига қўйиладиган бўлди.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамалари баҳолашнинг жуда муҳим ва марказий масала, бироқ у Ғарб давлатларида қўлланиладиган «классик» тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг бир қисmidир. Шу сабабли бутунги ҳунда давлатимизда қонунчиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг тўлақонли тизимини жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш, айниқса, муаммони ва уни ҳал этиш усулларини, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибни белгилашда вужудга келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатлар таҳлилинн назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий баҳолашдан ўтказиш тизимини жорий этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Қабул қилинаётган қонунларнинг амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш»¹ давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5185-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5505-сон Фармони, 2020 йил 27 сентябрдаги «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-6075-сон Фармонларининг ижросини таъминлашга маъмур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Маъмур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 4-сон, 79-модда.

жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизimini шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишни доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон юридик фанида тадқиқот иши билан бевосита боғлиқ назарий ва амалий масалалар мислий олимларимиздан Ш.Х.Файзиев, Ф.Мухамедов, Ф.Карабаев, И.Бектемиров, А.Абидов ва бошқа олимлар илмий ишларида тадқиқ этилган⁴.

Бундан ташқари норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга оид айрим назарий ва амалий муаммолар М.А.Ахмедшайева, Б.Д.Абдуллаев, Ш.Н.Бердияров, Ф.А.Мухитдинова, М.К.Нажимов, Х.Т.Одиджориев, П.А.Рустамов, Ш.А.Сайдуллаев, И.Т.Тулътеев, Х.С.Хайитов, Р.Р.Хақимов, О.З.Шодикулов, Ш.У.Якубовларнинг илмий ишларида ҳам тадқиқ этилган⁵.

Хусусан, қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизасини такомиллаштириш муаммолари Б.Д.Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида (2009), давлат бошқаруви тизимидаги парламент институтининг ҳуқуқий муаммоларини ва мамлакатда парламент фаолиятини янда такомиллаштириш йўллари Р.Р.Хақимовнинг номзодлик диссертациясида (2009), қонун ижодкорлигини башорат қилиш муаммолари И.Т.Тулътеевнинг докторлик диссертациясида (2010), юридик техникани такомиллаштириш муаммолари О.З.Шодикуловнинг номзодлик диссертациясида (2011), ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш масалалари Ш.Н.Бердияровнинг докторлик диссертациясида (2018), қонунчилик фаолиятида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштириш масалалари Х.С.Хайитовнинг докторлик диссертациясида (2018), ўрганилган бироқ, Ўзбекистон юридик фанида норма ижодкорлиги фаолиятида «аккли тартибга солиш» моделини қўллашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари Ўзбекистон Республикаси норма ижодкорлигини такомиллаштириш нуктаи назаридан монографик тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

МДХ давлатларида мавзуга оид масалалар С.Б.Андашева, А.Н.Беляев, В.В.Колегов, Е.Г.Литвак, А.В.Минаев, В.Л.Тамбовцев, Д.Б.Цыганков, А.Е.Шаститко, Ю.А.Тихомиров, М.В.Ивановлар⁶ томонидан, узоқ хорижий мамлакатларда эса мавзуга оид масалалар Р.Дэвис, Р.Наһн, С.Джейкобс, С.Киркпатрик, Р.Лутер, Р.Нолл, С.Радаяелли, А.Ренда, О.Уильямсон⁷ ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислоҳотларни

⁴ Маъмур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁵ Маъмур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁶ Маъмур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁷ Маъмур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017-2021) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида норма ижодкорлиги фаолиятига «ақлли тартибга солиш» модели элементларини татбиқ этиш орқали норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

норма ижодкорлигининг ҳуқуқий моҳиятини, хусусан, «норма ижодкорлиги» ва «ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчалари ўртасидаги нисбатни таҳлил қилиш орқали «норма ижодкорлиги» тушунчасини ишлаб чиқиш;

идоравий норма ижодкорлиги субъектларини таҳлил қилиш орқали ушбу субъектларни аниқлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан норматив тусга эга бўлмаган ҳуқуқий ҳужжат ўртасидаги нисбатни таҳлил қилиш орқали «норматив тусга эга бўлмаган ҳуқуқий ҳужжат» тушунчасини аниқлаш ва амалдаги қонунчиликка киритиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда «ақлли тартибга солиш» модели элементларини, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш процедурасини мамлакатимиз қонунчилиги билан солиштирган ҳолда ўрганиш ва ижобий ҳусусиятларни мамлакатимиз қонунчилигига жорий этиш билан боғлиқ масалаларини асослаш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш асосида қонунчиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг комплекс тизимини жорий этишни такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикасида норма ижодкорлиги фаолиятида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини татбиқ қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистон Республикасида норма ижодкорлиги фаолияти ва унга «ақлли тартибга солиш» модели элементларини татбиқ қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тарихий, тизимли, маънавий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, статистик, ижтимоий сўровномалар ўтказиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солувчи таъсирини баҳолаш дастлаб мазкур лойиҳани ишлаб чиқувчи орган иштирокида баҳолашни зарурлиги асослаб берилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан кейин олти ойлик муддат ўтганидан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг Юридик тълмивлаш бошқармаси ушбу

хужжат бўйича тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлашни зарурлиги асосланган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг учинчи босқичида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самарадорлигини ва амал қилишдан олинган натижаларни керакли ҳолларда, жойига чиққан ҳолда таҳлил қилиниши зарурлиги асослаб берилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертизаси доирасида хулоса берилиши билан бир вақтда лойиҳаларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«ақлли тартибга солиш» модели тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди;

«норма ижодкорлиги», «ақлли тартибга солиш» модели, «норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш», «амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш», «норматив тусга эга бўлмаган ҳуқуқий ҳужжат» тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, уларни қонунчиликка киритиш таклифи асосланган;

амалдаги қонуни ости ҳужжатларида мавжуд бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган идоралар тушунчасини ҳамда ушбу идораларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари турларини Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририга киритиш тўғрисида таклиф ишлаб чиқилган;

«ақлли тартибга солиш» моделининг асосий элементи бўлмиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишдан олдин, яъни унинг концепцияси ва қабул қилиниши режалаштирилиши босқичида ўтказиш лозимлиги ҳақидаги таклиф қонунчиликка киритилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш дастлаб мазкур лойиҳани ишлаб чиқувчи орган томонидан баҳолалиши зарурлиги ҳақидаги таклиф ишлаб чиқилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни амалга оширилиши лозим бўлган жамият ҳаётининг соҳалари ва истисно ҳолатлар белгиланиши ҳақидаги таклиф қонунчиликка киритилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси муддати ҳужжат Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари порталида жойлаштирилгандан кейин йигирма бир кундан кам бўлмаслиги ҳақидаги таклиф ишлаб чиқилган;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиби ва муддатлари ҳақидаги таклиф ишлаб чиқилган;

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини

баҳолаш тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий конунчилик нормаларининг ўзаро тахлил қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, унинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ундаги илмий хулоса ва амалий таклифлардан норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» моделини қўллаш юзасидан тадқиқот ишлари олиб боришда, «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Норма ижодкорлиги» каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳамда методик тавсияларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» модели элементларини қўллаш орқали норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» моделини қўллашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари тадқиқот хулосаларидан олинган натижалар асосида:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи орган томонидан уларнинг тартибга солувчи таъсирини дастлабки баҳолашни ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 51-бандига мувофиқ Регламентга 7-илова билан тасдиқланган «Ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш» схемасида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 20 октябрь 12/1-1213-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси томонидан дастлабки тартибга солиш таъсирини баҳолашда айнан ушбу лойиҳани ишлаб чиқувчи орган иштироқида амалга оширилишига хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан кейин олти ойлик муддат ўтганидан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси ушбу ҳужжат бўйича тартибга солиш таъсирини баҳолашни ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш зарурлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 51-бандига мувофиқ Регламентга 7-илова билан тасдиқланган «Ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш» схемасида ўз аксини

топди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 20 октябрь 12/1-1213-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг дастлабки тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича муддатларни аниқлаштиришга хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг учинчи босқичида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самарадорлиги ва амал қилишидан келиб чиққан натижаларни, керакли ҳолларда, жойига чиққан ҳолда таҳлил қилиниши зарурлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 51-бандига мувофиқ Регламентга 7-илова билан тасдиқланган «Ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш» схемасида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 20 октябрь 12/1-1213-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши учинчи босқичида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга хизмат қилган;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертизаси доирасида хулоса берилиши билан бир вақтда лойиҳаларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш зарурлиги ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 51-бандига мувофиқ Регламентга 7-илова билан тасдиқланган «Ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш» схемасида ўз аксини топди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 20 октябрь 12/1-1213-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг дастлабки тартибга солиш таъсирини баҳолаш лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси доирасида ўтказилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида ва давра суҳбатларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақола, шу жумладан, ОАҚнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган наشرларда 7 та мақола (5 республика ва 2 та хорижий) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий-тадқиқот иши кириш, 10 параграфдан иборат бўлган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги, таджикотнинг республика фан-техника ва технологияларини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот иш режаси билан ўзаро боғлиқлиги, таджикотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, методлари, илмий янгилиги ва таджикотнинг амалий натижалари, ушбу натижаларнинг ишончлиги, таджикотнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалга оширилиши, синовдан ўтказилиши ҳамда натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва мазмуни каби масалалар ёритилган.

Диссертациянинг «**Норма ижодкорлиги тушунчаси ва «ақлли тартибга солиш» моделини қўллаш зарурати»** номли биринчи бобида Ўзбекистон Республикасининг норма ижодкорлиги фаолиятида «ақлли тартибга солиш» моделини қўллаш зарурлиги тадқиқ қилинган.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг норма ижодкорлиги фаолиятида, биринчидан, қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишида намоён бўлаётган қонуңчиликнинг жадалланиш жараёни қайд этилаётганлиги ва иккинчидан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўллаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганлиги боис, қонуңчиликнинг доимий янгиланиши жараёни кузатишмоқда. Бунинг сабаби шундан иборатки, мамлакат ичкарисида ва ташкарисида қандай воқеалар содир бўлишидан қатъи назар, жамият давлат томонидан тезкор чоралар қабул қилинишини кутади. Бироқ, мавжуд муаммоларни тартибга солишга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонининг кўпайиши, бир томондан бир-бирини тикрорловчи, қоллиқон нормалар, ва иккинчи томондан, ҳуқуқий қўллаш жараёнида фуқаролар, тadbиркорлик субъектлари ва давлат органлари томонидан ушбу ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш харажатларини кўпайишига олиб келиши мумкин.

Бу борада муқобил тартибга солиш вариантларини аниқлаш, амалга киритиладиган қонуңчиликнинг фойда ва харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва, умуман олганда, давлат аралашувининг қай даражада зарурлигини тушуниш имконини берувчи янги йўл ва воситаларни излаш масаласи жуда долзарбдир. Диссертантининг фикрича, норма ижодкорлигида «ақлли тартибга солиш» моделини қўллаш бунга маълум даражада имкон яратди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси»да норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга ва хусусан, унда «ақлли тартибга солиш» модели механизмларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларнинг белгиланиши бунинг исботидир.

«Ақлли тартибга солиш» модели норма ижодкорлигида тушунарли юридик тилдан фойдаланишни кўзда тутганлиги сабабли, «норма ижодкорлиги» ва «ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчаларининг маънолари ўрганиб

чиқилиб, ушбу тушуничалар ўртасидаги нисбат очиб берилган. «Норма ижодкорлиги» тушунчаси кенг ва тор маънода ишлатилиши мумкин. Шу билан бирга, тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикасининг юридик техникасида «норма ижодкорлиги» тушунчаси тор маънода қўлланилаётганлиги аниқланди. Шунга асосан, тадқиқотчи «норма ижодкорлиги» тушунчасига «ваколатли давлат органларининг ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш, ўзгартириш киритиш ва бекор қилиш бўйича фаолияти» сифатида Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» тўғрисидаги Қонунининг янги таҳририда таъриф бериш таклифини илгари сурмоқда. Диссертантнинг фикрига кўра, бундай таъриф норма ижодкорлиги субъектлари томонидан норма ижодкорлиги фаолиятини янада кўпроқ тушунишга ва юридик техникани такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Х.Т.Одилқориев, Ш.Ҳ.Файzieв, Ш.У.Якубов, Ш.А.Сайдуллаев, Т.Н.Москалькова, В.В.Черников, М.Б.Румянцев, М.В.Свиотокова, Ю.Е.Сысоев, А.Я.Сухарев и В.Е. Крутских, А.Н. Миرون, С.Н. Ушаков, каби олимларнинг фикрлари асосида норма ижодкорлиги фаолиятининг тамойиллари тадқиқ қилинган.

Норма ижодкорлигининг умумий тамойилларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотчи томонидан «акция тартибга солиш» моделининг асосий элементи бўлган қонуночиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш процедурасининг тамойиллари ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 28 февралда 2565-сон билан рўйхатга олинган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қондаларининг 2-бандида келтирилган «идоралар» тушунчасини Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририга киритиш масаласи кўтарилган. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга идораларнинг рўйхатини белгилаш бўйича таклиф ишлаб чиқилган. Диссертантнинг фикрига кўра, ушбу нормаларни мустахкамлаш юқорида кўрсатилган қонуннинг тўғридан-тўғри таъсирини таъминлайди.

Шу билан бирга, бугунги кунда норма ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи жуда кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Норма ижодкорлиги кодексини қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив тусга эга бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатини ўрганиш асосида, норматив тусга эга бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга идоралар томонидан амалдаги ҳуқуқ нормаларини қўллаш мақсадида ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, ўзида ҳуқуқ нормасини назарда тутмаган, фармойиш ва (ёки) ташкилий характерга эга бўлган, шу жумладан, муайян шахсларга нисбатан мажбурий қондаларини

белгилловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ва (ёки) бир мартаба қўллашга мўлжалланган расмий ҳужжат, деб таъриф берилган. Ушбу таърифни Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририга киритиш долзарбдир. Ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6075-сон Фармониининг 2-бандида ўз тасдиғини топган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал ва ташкилий хусусиятга эга бўлган ҳужжатларини улар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқлашнинг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш зарурлиги таъриф этилган.

Бундан ташқари, тадқиқот ишида норматив тусга эга бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати келтирилган ва уларни ҳам юқорида кўрсатилган қонунга киритиш муҳимлиги таъкидланган.

Диссертациннинг иккинчи боби «**Норма ижодкорлигида «аккли тартибга солиш» модели: тушунчаси ва таркибий элементлари»** деб номланди ва унда норма ижодкорлигида «аккли тартибга солиш» моделининг концептуал асослари ҳамда унинг таркибий элементлари ўрганилган.

М.К. Нажимов, Д.Б. Циганков, Н. Малишев, Л. Мадер, А.В. Мишев, В.В. Колегов каби олимларнинг фикрларини, шунингдек, Европа вистисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташабботи ҳужжатларини ўрганиш асосида диссертант «аккли тартибга солиш» моделини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини баҳолаш, маъмурий соддалаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фуқаролар, тadbirkorлик субъектлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларнинг иштирокчи жамоатчилик муҳофазаси орқали таъминлаш, шунингдек, норма ижодкорлигида тушунарли юридик тилдан фойдаланиш каби процедураларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва мониторинг қилишни такомиллаштириш усулларини қўлда тутувчи концепция, деб таърифлайди.

«Аккли тартибга солиш» концепцияси дунёнинг турли мамлакатларида турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин бўлган тартибга солишнинг воситаларини жорий этишни назарда тутди. Тадқиқотда диссертант ушбу моделининг қуйидаги элементларини алоҳида кўрсатиб ўтган: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, бу ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини (инг. ex-ante evaluation), ҳам қабул қилинган ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни (инг. ex-post evaluation) баҳолаш бўлиши мумкин; маъмурий соддалаштириш жараёнлари - тартибга солишнинг юқини баҳолаш, норма ижодкорлигида «One in One out» (ингл. «Биттаси қўшилди, биттаси чиқди»),

«One in Two out» (инг. «Биттаси қўшилди, иккитаси чиқди») тартибга солиш қондаларини қўллаш (ушбу қондаларнинг маъноси шундан иборатки, бунда тартибга солиш таъсирини баҳолаш таъминли доирасида янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи органлар норматив-ҳуқуқий базани енгиллаштириш мақсадида ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш чора-тадбирларини қўлда тутишлари лозим); норма ижодкорлигида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни ўз ичига олган маъмурий соддалаштириш жараёнлари.

«Ақдли тартибга солиш» модели (концепцияси)нинг асосини норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ташкил қилганлиги сабабли, ушбу бобда у батафсил таҳлил қилинган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш методология билан тасдиқланган процедура бўлиб, уни ўтказиш давомида жамиятдаги тартибга солиниши талаб қилинадиган муаммо аниқланади, тартибга солиш мумкин бўлган вариантлар тайёрланади ва таҳлил қилинади, тартибга солишнинг маъқул варианты аниқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ёки амалдаги тартибга солишни ўзгартириш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ҳулоса берилиши таъкидланади. Шу билан бирга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш (фактик таъсирини баҳолаш) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришининг ҳақиқий ижобий ва салбий оқибатларини таҳлил қилишга қаратилади.

Хусусан, мазкур бобда жамиятда вужудга келган муаммони, давлат томонидан тартибга солиш мақсадларини, тартибга солишнинг муқобил вариантларини аниқлаш; ечимлар вариантларининг таҳлили; жамоатчилик муҳокамалари; танланган тартибга солиш вариантини асослаш; танланган тартибга солиш вариантини амалга ошириш каби тартибга солиш таъсирини баҳолаш процедурасининг босқичлари ўрганилган.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш процедурасини ўрганиш натижаларига асосланиб, тадқиқотчи норма ижодкорлигининг энг дастлабки босқичида баҳолашни ўтказиш бўйича Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг тавсиясини асосли эканлигини эътироф этади. Бу ўз ўрнида тартибга солиш таъсирини баҳолаш процедурасини жамоатчилик муҳокамасига қўйилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига нисбатан эмас, балки ҳуқуқий тартибга солиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисида манфаатдор томонларнинг фикрларини таҳлил қилиш ва инобатга олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжат концепциясига нисбатан амалга ошириш зарурлигини билдиради.

Тартибга солиш таъсирини баҳолашни қўллаш ҳақида сўз юритилар экан, диссертант тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг марказлашмаган модели Ўзбекистон Республикаси учун энг муваффақиятли бўлиши ҳақида

хулоса чиқаради. Жумладан, дунё мамлакатларида тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг марказлашган ёки марказлашмаган модели жорий қилинганлигини кузатиш мумкин. Марказлашган моделда маълум бир ижро ҳокимияти органи тартибга солиш таъсирини баҳолаш учун масъул этиб белгиланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат концепцияларини ва лойиҳаларини ишлаб чиқувчи органлар баҳолашни мажбурий бўлган концепциялар ва лойиҳаларни ушбу органга юборадилар. Масъул орган эса норматив-ҳуқуқий ҳужжат концепцияси ёки лойиҳасининг тартибга солиш таъсирини баҳолайди ва тегишли хулосани беради. Марказлашмаган моделда эса норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи орган мустақил равишда тартибга солиш таъсирини баҳолайди, тартибга солиш таъсирини баҳолашни амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи орган эса тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича тайёрланган хулосаларнинг сифатини текшириш, услубий ёрдам кўрсатиш, мутахассисларни ўргатиш каби функцияларни бажаради. Шу муносабат билан, диссертант норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертизаси доирасида хулоса берилиши билан бир вақтда лойиҳаларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш зарурлиги, қонуқчиликнинг тартибга солиш таъсирини дастлабки баҳолашда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи органининг иштироки зарурлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиққан. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 51-бандига мувофиқ Регламентга 7-илова билан тасдиқланган «Ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш» схемасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонуқчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан бугунги кунда тартибга солиш таъсирини баҳолашни амалга оширишнинг айнан шу схемаси танланган.

Шунингдек, ушбу бобда давлатнинг тартибга солиш сиёсати сифатини ошириш учун турли мамлакатларда амалга оширилаётган маъмурий соддалаштириш жараёнлари кўриб чиқилган. Мисол учун, 2017 йилда Францияда «Жамоат ҳаракатлари 2022» ҳужжати қабул қилинган, унга кўра маъмурий соддалаштириш беш устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган ва вазирликларга соддалаштириш режаларини қабул қилиш вазифаси юкланган. Шу йили Франция «One in Two out» (инг. «Биттаси кирди, иккитаси чиқди») тартибга солиш қондасини амалга киритган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам соддалаштириш жараёнлари фаол олиб борилмоқда, хусусан, «тартибга солиш гильотинаси» методи қўлланилиб, унинг ёрдамида норматив-ҳуқуқий база тозаланимоқда. Бир томондан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг нормаларини

юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўтказиш йўли билан, бекор қилинмоқда. Масалан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 457 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат реестридан чиқарилган, ҳолбуки 2018 йилда бу кўрсаткич 271 тага ташкил этган эди. Иккинчи томондан, ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган 500 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бекор қилинган.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистон Республикасида «ақлли тартибга солиш» моделини жорий этилиши ва ривожланиши» деб номланади. Ушбу бобда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашдан фойдаланиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган, чунки баҳолаш «ақлли тартибга солиш» моделининг асоси ҳисобланади ва айнан ушбу соҳада халқаро тажрибанинг ҳиссаси айниқса салмоқлидир. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Канада мамлакатлари, шунингдек, Европа Иттифоқи миқёсида қўлланиладиган конунчиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш процедурасини ўрганиш асосида, тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ягона модели йўқ эканлиги, у аниқ бир давлатдаги конституциявий ва маъмурий муҳит, шунингдек, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жорий этилиши ҳақидаги хулосага келинган.

Бундан ташқари, тартибга солиш таъсирини баҳолаш эпизодик эмас, балки доимий характерга эгаллиги ҳамда тақлиф этилаётган тартибга солиш вариантларининг фойдалари ва харажатларини таҳлил қилган ҳолда, аниқ методологияга мувофиқ ўтказилиши аниқланган.

Шу билан бирга, ушбу бобда «ақлли тартибга солиш» модели механизмларини жорий этиш, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий базасининг тизимли таҳлили амалга оширилган. Чунончи, 2015 йилнинг январь ойида конунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизимини ишга туширишдан бошланган Ўзбекистон Республикасида конунчиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашни жорий этиш бўйича ишлар тадқиқ қилинган. Дастлаб тadbirkorлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамаси ўтказилган бўлса, 2018 йилнинг май ойидан бошлаб ишлаб чиқувчи органлар томонидан барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳозирги кунда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш портали (www.regulation.uz) деб номланувчи интернет ресурсга жойлаштирилмоқда.

Бироқ, юқорида таъкидланганидек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо ахсарият давлатларда қўлланиладиган «ағъанавий» тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг фақат бир қисmidir.

Чунки бизнинг вариантда муҳокамага норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёр лойиҳаси кўйилади, фуқаролар, тадбиркорлар, давлат бюджетининг амалга киритилаётган тартибга солишнинг фойда ва харажатлари ҳисоблаб чиқилмайди, тартибга солишнинг муқобил вариантлари аниқланмайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқувчи орган тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг якулари бўйича янги тартибга солишнинг зарурлиги ёки, аксинча, уни амалга киритиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ҳулоса тайёрламайди. Бундан ташқари, барча манфаатдор томонлар муҳокамаларда иштирок этмаслиги хавфи мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон Фармони билан тасдиқланган «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси»нинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда «ақлли тартибга солиш» модели механизмларини ва унинг сўзсиз таркибий юзаси сифатида тартибга солиш таъсирини баҳолашни жорий этишнинг янги босқичи бошланди.

Шу билан бирга, 2020 йилда мамлакатимизда тартибга солиш таъсирини тўлақонли баҳолашни жорий этиш ва амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари ҳал этилди, чунки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонунчиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича нақолатли орган этиб белгиланди (унинг таркибида махсус бошқарма ташкил этилди).

Тадқиқотчининг фикрича, тўлақонли тартибга солиш тизимини жорий этиш учун унинг камров соҳаларини, яъни ижтимоий ҳаётнинг тартибга солиш таъсирини ўтказиш соҳалари ва ундан истисноларни ҳамда уни ўтказишнинг аниқ методологиясини белгилаш лозим. Шу билан бирга, тартибга солиш таъсирини баҳолашни норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашни режалаштириш босқичида ўтказиш муҳим. Бугунги кунда ушбу вазифаларнинг айримлари Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири кучга кириши билан ҳал этилиши кутилмоқда.

